

ТАДБИРКОРЛАРНИНГ МУАММОЛАРИ ЖОЙИГА ЧИҚКАН ҲОЛДА ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА.

Туманда тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган муаммоли масалаларни кўриб чиқиш ва мавжуд бюрократик, шу жумладан, ер участкалари, бинолар ва кредитлар ажратиш, рухсат берувчи хужжатларни олиш масалаларидаги тўсиқларни бартараф этилишини таъминлаш мақсадида Данғара туман ҳокимининг биринчи ўринbosари А.Абдуллаев ҳамда тумандаги Бош вазир қабулхонаси мудири М.Холмирзаев билан ҳамкорликда Катта Бойвучча маҳалла фуқаролар йиғинида сайёр қабул ўтказилди.

Қабулда 15 нафардан ортиқ тадбиркорлик субъектлари ҳамда тадбиркор бўлиш истагидаги фуқаролар қатнашди. Келиб тушган масалаларнинг аксарияти тикувчилик фаолиятини йўлга қўйиш ва айланма маблағ учун имтиёзли кредит ажратиш ҳамда тадбиркорлик бошлаш учун ер ажратишни ташкил қилди.

Қабул давомида кўтарилган масалаларнинг 9 дан ортиғи жойида ҳал этилди, қолган мурожаатлар муддат талаб қилганлиги боис ваколатли органлар томонидан ўрганиб чиқишлик учун назоратга олинди.

Қабул давомида 4-сектор ҳудудидаги Яшик маҳалла фуқаролар йиғини Нурафшон қишлоғидаги қўёнчилик фаолияти билан шуғулланувчи “Данғара наслчилик қуён агро фирмаси” корхонаси раҳбари “Ҳар бир оила тадбиркор” Давлат дастури доирасида аҳолига имтиёзли кредит асосида зотдор ва сифатли қуён билан таъминлаб келаётганлиги, лекин тижорат банклари томонидан тадбиркорга аҳолига етказиб берган наслли қуёнлар учун кредит маблағларини ўз вақтида ҳисоб рақамига тушириб бермаётганлиги бўйича мурожаат қилди.

Қабулдан сўнг ушбу корхонанинг иш жараёни билан яқиндан танишилди, шу жойнинг ўзида тижорат банклари раҳбарларига тадбиркорнинг муаммосини тез фурсатда бартараф этиш бўйича тегишли топшириқлар берилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2021-03-25 19:08:38